

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**Тошкент давлат юридик  
университетининг  
ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ**

**Тошкент – 2017**

Ушбу одоб-ахлоқ қоидалари Тошкент давлат юридик университети Кенгаши томонидан тасдиқланган (2017 йил 30 август, 1-сон баён).

Мазкур одоб-ахлоқ қоидалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 62-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ҳайъатининг 2011 йил 27 июлдаги одоб-ахлоқ қоидаларни олий таълим муассасаларига жорий этиш тўғрисидаги қарори ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2016 йил 30 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасалари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларига доир айрим ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 55-ум-сон буйруғи асосида тайёрланган. Унда талабалар, ходимлар ва докторантларнинг одоб-ахлоқига оид умумий қоидалар, талабалар, ходимлар ва докторантлар хулқ-атворининг асосий принциплари ва қоидалари, манфаатлар тўқнашуви, талабалар, ходимлар ва докторантларнинг ўзаро муносабатлари, талабалар, ходимлар ва докторантларнинг одоб-ахлоққа оид мажбуриятлари, рағбатлантириш ва чора кўриш тартибига оид масалалар ёритиб берилган.

Одоб-ахлоқ қоидалари университетнинг талабалари, педагог ва бошқа ходимларига ҳамда докторантларига мўлжалланган.

# **Тошкент давлат юридик университетининг ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ**

## **I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу қоидалар Тошкент давлат юридик университети талабалари, педагог ва бошқа ходимлари, докторантларининг (кейинги ўринларда талабалар, ходимлар ва докторантлар деб аталади) касбий одоб-ахлоқининг умумий принциплари ва хулқ-атворининг асосий қоидалари йиғиндисидан иборат.

2. Ушбу қоидалар ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга, ёшлар орасида одоб-ахлоқ қоидаларини бузишга, шу жумладан, зўравонлик, шафқатсизлик ва ҳаёсизликни ташвиқот қилишга, бошқа турли ҳалокатли таҳдидлар ҳамда биз учун ёт бўлган экстремистик таъсирлардан, тубан “оммавий маданият” хуружларидан ҳимоя қилишга, улар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга, талабаларнинг юксак ҳуқуқий онг, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига қатъий риоя қилиш руҳида тарбиялашга, уларда ватанпарварлик, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни, шунингдек Тошкент давлат юридик университети (кейинги ўринларда ТДЮУ деб аталади)да соғлом маънавий ва ижтимоий-психологик муҳитни шакллантириш ҳамда ривожлантиришга, ТДЮУнинг жамиятдаги ҳамда таълим тизимидаги нуфузи ҳамда обрў-эътиборини асраб-авайлаш ва янада оширишга йўналтирилган.

3. ТДЮУга ўқишга, ишга кираётган шахслар мазкур қоидалар билан имзо қўйдирган ҳолда таништириладилар.

4. ТДЮУ талабалари, ходимлари ва докторантлари қонун ҳужжатлари ва мазкур қоидалар талабларига риоя этишлари шарт.

## **II. Талабалар, ходимлар ва докторантлар хулқ-атворининг асосий принциплари ва қоидалари**

5. ТДЮУда ҳамжихатлик, ғамхўрлик, ўзаро ишонч, ҳурмат,

дўстона муносабат, инсофлилик, виждонлилик, аҳил-иноқлик талабалар, ходимлар ва докторантларнинг ўзаро муносабатларидаги муҳим шартлардир.

Талаба, ходим ва докторант ТДЮУда фаолият юритаётган (тахсил олаётган) турли миллат ва элат вакилларининг одоб-ахлоқ қоидалари, миллий удум, урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилиши лозим.

6. Университетда ўзаро муносабатларнинг асосий тамойили – бир шахснинг ҳуқуқи бошқа шахснинг ҳуқуқини поймол қилмаслиги лозим, сўз эркинлиги, унга бировга тухмат қилиш, ҳақоратлаш, ўзаро муносабатларда умумэътироф этилган ахлоқ қоидаларини намойишкорона менсимасликда ифодаланувчи беҳаё сўзлардан фойдаланишга йўл қўймайди, виждон эркинлиги ТДЮУда диний маросимларни ўтказиш ҳуқуқини бермайди, кийим-кечакларни кийиш эркинлиги эса тарбия жараёнига салбий таъсир ўтказиш ҳолларини келтириб чиқаришга йўл қўймайди.

7. Талаба, ходим ва докторант ўзининг шахсий, оилавий, ижтимоий ёки бошқа муносабатлари унинг ТДЮУдаги фаолиятига таъсир этишига йўл қўймаслиги лозим.

8. ТДЮУ талабалари, ходимлари ва докторантларининг ўз касбига мос бўлган замонавий кийимда бўлишлари мақсадга мувофиқдир. Уларнинг одамлар диққатини тортадиган, хусусан, танани шаффоф кўрсатиб турадиган, елка, кўкрак ва қорин, тиззадан юқори қисмлари очик қоладиган ҳамда ҳаддан зиёд тор кийимда, шунингдек наушниклар, металл занжирлар ва бошқа тақинчоқлар, пирсингда университетга келиши мумкин эмас. Диний ибодат либосида ҳамда спорт кийими ва пойабзалида келиш ҳам тақиқланади. ТДЮУ талабаси, ходими ва докторанти бўлган хотин-қизларга ёрқин пардоз (макияж) қилиш ва рўмол ўрашга (яқин инсонлари вафот этган ҳолатлар бундан мустасно) йўл қўйилмайди.

Талаба-йигитлар ТДЮУга оқ, ҳаво ранг, оч жигар ранг ёки оч кул ранг қўйлақда, классик услубдаги шим ёки одми костюм, галстукда ва тўқ рангдаги пойафзалда келишлари лозим. Бунда, албатта, ўзлари билан ўқув воситаларини олиб келишлари шарт. Шунингдек, 35x30 ўлчамдан кичик бўлмаган папка ёки портфель тутишлари лозим.

Талаба-қизлар ТДЮУга оч рангли ва ёрқин рангда бўлмаган блузкаларда, тиззани ёпиб турадиган юбка ёки одми костюм ва тўқ рангдаги пойабзалда келишлари лозим, шунингдек, ўзлари билан ўқув воситаларини олиб келишлари шарт.

Талабалар, ходимлар ва докторантларнинг аудитория ва хизмат хоналарда устки кийим (плаш, пальто, куртка кабилар)да юришлари тақиқланади.

Талабалар, ходимлар ва докторантларнинг ташқи қиёфаси озода, покиза бўлиши лозим.

9. Талабалар, ходимлар ва докторантлар шаъни ва кадр-қиммати эъзозланиши ҳамда халқимизнинг маънавий меросини авайлаб-асраш мақсадида, ходим ва талабалар бир-бирига нисбатан ҳурматсизлик қилиши, беҳаё сўзлар ишлатиши қатъий тақиқланади. Ўзаро “Сиз” деб муурожаат қилиш одат тусига кириши лозим.

Талабалар ходимларга исми шарифини айтиб, муурожаат қилишлари шарт. Худди шундай ҳамкасб-педагог ва бошқа ходимлар ҳам ўзаро мулоқотда бир-бирига исми шарифини айтиб муурожаат қилишлари лозим.

10. Талабалар, ходимлар ва докторантлар турли тадбирлар (мажлислар, тантанали йиғилишлар, учрашувлар, байрамлар)да сўзга чиқувчиларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиши, тинчликка риоя этишлари шарт. Зарурат туғилганда нутқлар ўртасида мажлислар залидан чиқиш мумкин.

11. Биноларга кириш ва бинолардан чиқиш жойларида, шунингдек коридорларда талабалар ходимларни, эркаклар аёлларни, ёшлар эса катталарни ўзларидан олдин ўтказиб юборишлари лозим.

12. Бинога кираётган ҳар бир шахс биноларга кириб-чиқишни назорат қилиш учун тайинланган масъул шахс ёки навбатчига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни (хизмат ёки талабалик гувоҳномаси, паспорт ва ҳ.к.) очиқ ҳолда кўрсатиши шарт.

13. Талабалар, ходим ва докторантлар университет худудида йўлнинг ўнг томонидан юришлари, коридор ва холларда, хусусан, уяли телефонларда баланд овозда гапирмаслиги керак. Бир-бирига дуч келганда, албатта, саломлашишлари, бунда: талабалар ходимларга,

ёшлар катталарга биринчи бўлиб салом беришлари тавсия этилади. Бунда қўл бериб сўрашиш истисно бўлиб, ёши катта шахслар биринчи бўлиб қўл узатганидан кейингина унга жавобан қўл узатиш мумкин.

14. Давлат органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари, тадбиркорлик субъектлари, таълим ва илмий муассасалар, оммавий ахборот воситалари ҳамда фуқаролар билан ўзаро муносабатларда ТДЮУ талабалари, ходимлари ва докторантлари расмий мулоқот меъёри ва қоидаларига риоя этиб, қуйидагиларга мажбур:

ўзларининг хулқ-атвори билан жамоада давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимлари билан ўзаро ишчанлик ва амалий ҳамкорлик қарор топишига даъват этиш;

ўз ҳаракатларини ТДЮУ манфаатларини кўзлаб амалга ошириш, унинг имижини сақлаш, ТДЮУ, унинг талабалари, ходимлари ва докторантлари манфаатларига ва номига зиён етказадиган ҳаракатларни амалга оширмаслик, шунингдек, турли давраларда университет ҳақида юксак ижобий таассурот қолдириш учун интилиши;

ТДЮУ, унинг талабалари, ходимлари ва докторантлари ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёки нотўғри талқин қилинган маълумотларни тарқатмаслик, шунингдек, шундай маълумотлар тарқалишига йўл қўймаслик, шу жумладан, жамоат олдида чиқишлар қилмаслик;

ТДЮУ талабалари, ходимлари ва докторантларининг розилигисиз уларнинг шахсий ҳаётига оид маълумотларни ошкор қилмаслик;

талабалар, ходим ва докторантлар ҳақида уларнинг касбий ва ўқув фаолиятига оид бўлмаган маълумотларни аниқлаштирмаслик;

хизмат ахборотларини тақдим этиш қоидаларига амал қилиш;

ахборотни етарлилик (ҳаддан ташқари қисқа ва шу билан бирга ўта керагидан ортиқ) ва ишончлилик (қайта текширишни талаб қилмайдиган) талабларига мувофиқ ҳолда тақдим этиш;

ўз хизмат вазифаларини бажариш жараёнида олинган маълумотлардан мақсадга мувофиқ бўлмаган тарзда фойдаланмаслик, шунингдек, уларни ТДЮУ раҳбарияти рухсатисиз тарқатмаслик;

ҳамкасблар ва бошқа ходимларнинг касбий ҳаракатларини танқид қилмаслик, шунингдек, жамоат олдида чиқишлар, шу жумладан,

оммавий ахборот воситаларида ТДЮУ фаолияти, унинг раҳбарияти ҳақида фикр-мулоҳазалар билдириш, баҳо беришга йўл қўймаслик.

15. ТДЮУ талабалари, ходимлари ва докторантлари дарс машғулотлари ва ишга ўз вақтида келишлари шарт.

16. Талаба ва докторантнинг ўқишига, ходимнинг эса бундан буён университетда меҳнат фаолиятини юритишига тўсқинлик қиладиган қуйидаги ғайриахлоқий ва ножўя хатти-ҳаракатларни содир этиши қатъий тақиқланади:

ҳар қандай ҳуқуқбузарлик содир этиш, шу жумладан, тухмат қилиш, ҳақоратлаш, талаба, ходим ва докторант ёки ТДЮУга жисмоний, маънавий ёки моддий зарар етказиши мумкин бўлган маълумотни (шу жумладан, ишончсиз ёки нотўғри) тарқатиш, тан жароҳати етказиш;

гиёҳванд моддалар, психотроп воситалар, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш ва тарқатиш;

ҳаловат ёки осойишталикка тажовуз қилиш, жанжаллашиш, қимор ва шунга ўхшаш бошқа ўйинлар ўйнаш;

шахсий манфаат ва мақсадларни ҳал қилиш мақсадида педагог ва бошқа ходимлар, ТДЮУ раҳбарияти уйига бориш (шу жумладан, таҳдид қилиш);

талабалардан рейтинг балини қўйиш учун ҳар қандай шаклдаги рағбатлантиришни сўраш ёки талаб қилиш, шунингдек, талабаларга рейтинг балини қўйишда ходимларга ҳар қандай шаклдаги рағбатлантиришни таклиф этиш ёки рейтинг балини олишда ходимлар билан келишиш учун ўртага одам қўйиш;

тупуриш, ифлослантириш ва сақични бирон-бир жойга қолдириб кетиш;

ТДЮУ бинолари ва ҳовлисида, шунингдек ТДЮУ биноларига туташган ва ТДЮУ биноларидан 500 метрдан кам бўлмаган ҳудудда спиртли ичимликлар ичиш ва чекиш ҳамда маст, соч-соқол олинмаган ва кийиниш талабига риоя қилмаган ҳолда келиш;

ТДЮУга тегишли компьютерларда ТДЮУга тегишли бўлмаган маълумотларни, шунингдек турли кинофильмлар, ноқонуний маълумотлар, беҳаё суратлар, миллий, ирқий, этник, диний адоватни

тарғиб қилувчи ҳар қандай материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ва даъват этиш;

ўқув машғулотлари ва ишга ҳамда ходим ва талабаларнинг осойишталигига халақит берадиган хатти-ҳаракатлар (радиоприёмник, телевизор, мультимедиа ва овоз чиқарувчи мосламалардан мақсадсиз фойдаланиш) содир этиш;

умумбашарий ва миллий қадриятларга хос бўлмаган ёки ТДЮУнинг нуфузига путур етказадиган материалларни Интернет тармоғига жойлаштириш ёки улардан турли ноўрин мақсадларда фойдаланиш.

Талабалар, ходимлар ва докторантлар иштирокида ТДЮУнинг обрўси, кадр-қиммати ва нуфузини туширадиган, ТДЮУда таълим жараёнининг маънавий бузилишига олиб келадиган агрессия, одамларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситадиган, зўрлаш ва ваҳшийлик, вандализм, миллатлараро низо кўзгатадиган, диний йўналишдаги, терроризм ва экстремизм, шунингдек, беҳаё ва ишқий сахналарни намоён қиладиган фотосуратлар, видео ва аудиоёзувлар Интернет, ижтимоий тармоқлар, шунингдек барча ташувчиларда пайдо бўлиши (ошкор этилиши) мазкур талаба ва докторантнинг ўқишига, ходимнинг эса бундан буён университетда меҳнат фаолиятини юритишига тўсқинлик қиладиган ғайриахлоқий ва ноҳўя хатти-ҳаракат ҳисобланади.

17. Талабалар, ходимлар ва докторантлар коррупция ҳолатларига қарши курашиши ва уларнинг профилактикасига фаол кўмаклашиши шарт.

Талабалар, ходимлар ва докторантлар ТДЮУ раҳбариятини ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини ҳуқуқбузарликлар содир этишга оғдириш мақсадида ўзларига бирор-бир шахснинг қилган мурожаатларининг барча ҳолатлари тўғрисида хабардор қилиши шарт.

ТДЮУ раҳбарияти шахслар қонунчиликнинг бузилиши фактлари тўғрисида мурожаат қилганлиги муносабати билан ёхуд билдирилган фикр ва мурожаатдаги танқиди учун, худди шунингдек бошқача шаклда танқид қилганлиги учун талабалар сафидан четлаштирилишига (курсдан курсга қолдирилишига), ишдан бўшатирилишига ёки бошқача



шаклда таъқиб қилинишига йўл қўйилмаслигини таъминлаши керак.

18. Раҳбарият ҳамда таркибий бўлинма раҳбарлари (бундан кейин матнда раҳбар деб юритилади) ўзига бўйсунувчи ходимларга нисбатан юқори профессионализм, софлик ва адолатда ўрнатилган бўлиши, давлат органида ёхуд унинг таркибий ёки ҳудудий бўлинмасида маънавий-психологик муҳит шаклланишига кўмаклашиши лозим. Раҳбар бўйсунувчи ходимлардан уларнинг хизмат вазифалари доирасидан чиқиб кетадиган топшириқларни бажаришини талаб қилмаслиги, шунингдек қонунга хилоф хатти-ҳаракатларни содир этишга ундамаслиги керак.

Раҳбар кадрларни қариндошлик, ҳамшаҳарлик ёки шахсий садоқат белгилари бўйича танлаш ва жой-жойига қўйиш ҳолатларига йўл қўймаслиги керак. У гуруҳбозлик, маҳаллийчилик, ўзига яқин олиш ҳолатларининг, шунингдек ўз хизмат вазифаларини бажариш жараёнида бошқа салбий омилларнинг қатъий равишда олдини олиши лозим.

Раҳбар:

кўполлик қилмаслиги, одамларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситмаслиги, уларга асоссиз психологик ва жисмоний таъсир кўрсатиш ҳолатларига йўл қўймаслиги;

манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уларни тартибга солиш юзасидан ўз вақтида чора-тадбирлар кўриши;

коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриши;

ходимларнинг касбий ва интеллектуал жиҳатдан ривожланишлари учун қулай иш жойи, замонавий компьютерлар, интернет тармоғи, кутубхона фонди ва ахборот ресурсларидан эркин фойдаланишлари, шунингдек ҳордиқ чиқаришлари, дам олишлари, жисмонан чиниқишлари учун барча имтиёзларни яратиб бериши;

ходимларни самарали бошқариши, ўзига ишониб топширилган мулкка ва молиявий маблағларга эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан муносабатда бўлиши шарт.

Раҳбар ўзига бўйсунувчи ахлоқ-одоб тамойиллари ва қоидаларини бузаётган ходимларнинг хатти-ҳаракатларига (ҳаракатсизлигига) йўл қўйилмаслиги чораларини кўрмаганлиги учун жавоб беради.

### **III. Манфаатлар тўқнашуви**

19. Ходимлар ўз хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашувига сабаб бўладиган шахсий манфаатдорлик ҳолатларига йўл қўймасликлари керак.

Манфаатлар тўқнашуви ходимларнинг шахсий манфаатлари уларнинг ўз хизмат вазифаларини холисона ва беғараз бажаришига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолатларда пайдо бўлади.

Ходимларнинг шахсий манфаатдорлиги уларнинг шахсан ўзи ёки яқин қариндошлари, шунингдек улар яқин ёки ишбилармонлик муносабатларида бўладиган бошқа шахслар учун ҳар қандай наф кўриш ёки афзалликларга эга бўлишни ўз ичига олади.

Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда ходимлар ўз раҳбарини дарҳол хабардор қилиши керак.

Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисидаги маълумотни олган раҳбар уни тартибга келтириш бўйича ўз вақтида чоралар кўриши шарт.

### **IV. Талабалар, ходимлар ва докторантларнинг ўзаро муносабатлари**

20. Талабалар, ходимлар ва докторантларнинг ўзаро муносабатлари миллий анъаналар, ягона жамоа, ўзаро ҳурмат ва эътибор, дўстлик, ҳамжиҳатлик, ҳалоллик ва адолат тамойилларига асосланиши лозим.

21. Талабалар, ходимлар ва докторантлар муносабатларида инсон қадр-қимматига ҳурматсизлик қилиш, шахсиятини камситиш, ўзганинг интеллектуал мулкани ўзлаштириб олиш, кўполлик, беҳаё сўзлар ишлатиш, муштлашиш, ўзгаларга маънавий, моддий ёки жисмоний зиён етказиш қатъиян ман этилади.

Педагог ходимлар томонидан талабаларга нисбатан юқори талабчанлик уларнинг шахсини ҳурмат қилиш билан биргаликда амалга оширилиши керак.

22. Педагог ходим аудиторияга кирганида, барча талабалар ўринларидан туриб саломлашишлари, сўнгра фақат педагог ходимнинг рухсати билан ўз жойларини эгаллашлари керак. Педагог ходим аудиториядан чиққанда, талабалар ўринларидан туришлари лозим. Шу тариқа талабалар дарс вақтида аудиторияга кирган ёши катта инсонлар билан ўринларидан туриб саломлашишлари даркор.

23. Дарс машғулотлари вақтида уяли алоқа воситаларидан фойдаланиш барча учун қатъиян тақиқланади.

24. Талабаларнинг дарсга кеч қолиб келишларига йўл қўйилмайди. Лекин узрли сабабга кўра дарсга кеч қолган талаба узр сўраб, педагог ходимнинг ижозати билан жойига ўтириши мумкин. Дарс машғулотига кеч қолган талаба фақат педагог ходимнинг рухсати билан аудиторияга киритилади.

Педагог ходим дарс машғулотларига ўзининг ножўя ҳаракатлари билан халақит бераётган талабани юзага келган вазият ҳақида курс деканини хабардор қилиб (курс декани ўз ўрнида бўлмаганда декан ўринбосари ёки гуруҳ мураббийини), дарсдан четлатиши мумкин.

25. Талаба учун педагог ходим билан ўқув машғулотларидан ташқари вақтда мулоқот қилиш зарурати бўлса, у ҳолда мулоқот:

дарс машғулотларида, маслаҳат соатларида, мустақил иш, рейтинг назоратларини топширишда ёки ўзаро келишув бўйича белгиланган вақтда амалга оширилиши мумкин;

талаба ўзи мулоқот қилмоқчи бўлган педагог ходимнинг лавозими, исми, отасининг исми ва фамилиясини аниқ билиши шарт.

26. Талаба олдиндан келишилмаган ҳолда педагог ходимнинг ҳузурига келса, умумий ёки ўзаро келишилган маслаҳат соатига кеч қолиб келган ёки келмаган бўлса, педагог ходимдан ҳатто қисқа вақт суҳбатлашишни талаб қилишга ҳам ҳақли эмас.

27. Асосланган жиддий сабаблар (қўполлик, тамагирлик, педагог ходимнинг айби билан машғулотлар ўтказилишидаги мунтазам узилиш ҳолларини исботловчи далиллар ва б.) ҳамда гуруҳ (курс)нинг яқдил фикри мавжуд бўлган ҳолатларда, талабалар педагог ходимни алмаштириш ҳақида илтимос билан курс деканига мурожаат қилишлари мумкин.

28. Раҳбар ва бошқа ходимлар, докторантлар, талабалар ўртасидаги муносабатлар, ўзаро ҳурмат, аҳиллик, фаоллик, бағрикенглик, ҳамкорлик, инсонпарварлик, ғамхўрлик ва адолат тамойилларига асосланади.

29. Лавозим даражалари тенг бўлган ходимлар ўртасидаги муаммоларни ўзаро ҳал этиш тавсия этилади. Лавозим даражалари тенг бўлган ходимларнинг иш жараёнидаги турли муаммоларни ўз ваколатлари доирасида, раҳбарларни жалб этмаган ҳолда ҳал этишлари маъқулланади.

30. Раҳбар ходимларга талабалар, ходимлар ва докторантлар томонидан бирор-бир масала юзасидан мурожаат қилиниши тартиб (субординация тамойили) асосида ташкил этилади.

31. Талаба, ходим ва докторантнинг университетда маънавий-ахлоқий муҳитни янада яхшилаш бўйича ташаббус ва ғоялари рағбатлантирилади.

## **VI. Талабалар, ходимлар ва докторантларнинг одоб-ахлоққа оид мажбуриятлари**

32. Талабалар, ходимлар ва докторантлар:

бошқа талабалар, ходимлар ва докторантларга ўрнатилган бўлишга;

доимо комилликка интилиш, ҳалоллик ва адолат билан ҳаёт кечириш каби олижаноб фазилатларни чуқур англашга;

ўз вазифаларини виждонан, юксак касбий даражада амалга оширишга;

ТДЮУ обрў-эътибори ва нуфузига доғ туширадиган ҳар қандай ҳаракатларни содир этишдан ўзини тийишга, шунингдек бундай ҳаракатлар содир этилишининг олдини олишга;

ТДЮУ тўғрисидаги ахборотлардан унинг манфаатлари ва обрўсига зиён етказиш учун ёки ўз манфаатлари йўлида фойдаланмасликка;

ТДЮУ мулкига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш (кўчар ва кўчмас мулк, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига ва б.), шу жумладан, хизмат вазифасини бажариш учун берилган, шунингдек оргтехника

воситалари ва буромад материалларидан тўғри ва тежамкорона фойдаланишга;

моддий бойликлар ва бошқа ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни сақлаш тартибига қатъий риоя қилишга;

электр энергияси ва сувни тежамкорона ишлатишга;

бирор-бир нохуш воқеа ёки ҳодиса рўй берса, у ҳақда зудлик билан ТДЮУ раҳбариятига хабар беришга;

одоб-ахлоққа оид миллий анъаналаримиз, урф-одат ва қадриятларимизни ҳурмат қилишга;

талабалар, ходимлар ва докторантлар, шунингдек бошқа шахслар билан муносабатда хушмуомала, илтифотли, одобли, эътиборли, сабр-тоқатли бўлиш, уларни ҳурмат қилишга;

кийиниш одобига риоя қилишга;

белгиланган чеклашлар ва тақиқларга риоя қилиш, ўз вазифаларини оғишмай бажаришга;

талабалар, ходимлар ва докторантларнинг шахсий ва оилавий муаммоларини муҳокама қилмасликка, ҳеч бир шахс ҳақида ирки, эътиқоди, миллати, жинси, ижтимоий келиб чиқиши, ҳолати ва лавозими, тили ва бошқа хусусиятларидан қатъи назар нотўғри фикр юритмасликка ва уни камситмасликка;

талабалар, ходимлар ва докторантлар, шунингдек бошқа шахслар устидан турли иғво, ғийбат ва бўҳтонлар уюштирмасликка ва тарқатмасликка;

Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар халқларининг урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилишга, турли этник, ижтимоий гуруҳлар ва конфессияларнинг маданий ҳамда бошқа хусусиятларини ҳисобга олишга, ижтимоий барқарорликка, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликка кўмаклашишга;

ТДЮУ обрўси ёки нуфузига путур етказадиган низоли вазиятларга йўл қўймасликка;

талабалар, ходимлар ва докторантларнинг шаъни ва кадр-қиммати камситилишига йўл қўймасликка;

талаба, ходим ва докторантнинг саъй-ҳаракатларига қасддан зиён етказмасликка;

юқори давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг, шунингдек ТДЮУ раҳбариятининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган (берган) қарорларини (топшириқларини) ўз вақтида ва сифатли бажаришга, уларни шубҳа остига олмаслик ва шарҳламасликка;

ўз шахсий фойдаси ҳамда ўзгалар манфаатини кўзлаб ўз мавқеини суиистеъмол қилмасликка;

ТДЮУ раҳбариятининг мазкур қоидаларни бажариш тўғрисидаги талабларини муҳокама қилмасдан зудлик билан бажаришга;

ҳақиқатни гапиришга, раҳбарлар ва бошқа ходимларни чалғитмасликка;

ТДЮУда диний ташвиқот олиб борилишига қарши курашишга;

мутасадди ходимларнинг рухсатсиз турли реклама воситаларини осмасликка;

наркотик ва психотроп моддалар, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари истеъмол қилиниши ҳамда тарқатилишига қарши курашишга;

касбий фаолияти давомида ўзларига маълум бўлган, уларнинг ошкор этилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб бериладиган ахборотнинг сақланиши ва махфийлигини таъминлаш юзасидан барча чораларни кўришга;

соғлом турмуш тарзини юритиш, ўз ишчанлиги ва атрофдагиларнинг соғлиғини сақлашга ғамхўрлик қилиш, эстетик ва экологик маданиятнинг тарқалишига кўмаклашишга;

танқидий мулоҳазаларни объектив қабул қилишга ва билдиришга, ўз хато ва камчиликларини англаш ва бартараф этишга;

ТДЮУ талабалари ва университетга ўқишга кирувчилар билан ҳар қандай ноқонуний молия-иқтисодий муносабатга киришмасликка;

моддий жиҳатдан яхши таъминланганлигини турли йўллар билан кўз-кўз қилмасликка;

Ахборот-ресурс маркази ходимлари билан хушмуомала бўлишга, китоблар ва жиҳозларга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга, уяли алоқа воситаларини ўчириб қўйишга, баланд овозда сўзлашмаслик ва атрофдагиларга халақит бермасликка, овқат емаслик, сув ичмаслик, қоғоз, сақич ва бошқа чиқиндиларни қолдириб кетмасликка,

китобларни олиш ва топшириш тартиб-қоидаларига риоя қилишга;

тадбирлар давомида ҳиссиётларни баланд овозда намоён қилишдан ўзини тийишга, бошқа томошабинларга нисбатан одобсиз сўзларни билдирмасликка, сахнадагиларга нисбатан ҳурматда бўлишга, ҳуштак чалмаслик, бақирмаслик, тадбир тугашидан олдин сабабсиз чиқиб кетмасликка, ухламаслик, ўриндиқларга ётиб олмаслик, бир-бири билан баланд овозда гаплашмаслик, уяли телефонда сўзлашмаслик, ён-атрофдагиларга халақит бермасликка;

спорт мажмуасига спорт кийими ва пойабзалларида киришга;

спорт инвентарларига нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлишга;

машғулотлардан кейин спорт инвентарларини белгиланган жойларга қайта топширишга;

спорт мажмуасининг белгиланган тартиб-қоидаларига риоя қилишга;

ТДЮУ аудиториялари, бинолари ва биноларга туташган ҳудудда тозаликни сақлашга;

ҳудудни ифлослантмаслик, чиқиндиларни жойлардаги махсус қўйилган қутиларга ташлашга;

шахсий автомобилни тақиқланган жойда қолдирмаслик, йўл ҳаракати қоидаларини менсимаслик (бепарво бўлиш), шунингдек транспорт воситаларидан фойдаланишда хавф-хатар яратиш ва бошқалар тинчлигини бузувчи ҳолатларга йўл қўймасликка;

ишдан (ўқишдан) ташқари вақтда умумий қабул қилинган одоб-ахлоқ нормаларига риоя этишлари, ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга йўл қўймасликка мажбур.

33. Мазкур қоидаларнинг 32-бандида кўрсатилган одоб-ахлоққа оид мажбуриятларни бажаришдан ташқари:

а) талабалар:

педагог ва бошқа ходимлар билан дуч келганда салом беришга;

тинчлик сақлашга ва коридорлар, зиналарда югурмасликка, бир-бирини итармасликка ва ҳар қандай муаммони ҳал этиш учун жисмоний куч ишлатмасликка, ҳар қандай шахсларга нисбатан ахлоқсиз ибораларни қўлламамасликка, шовқин қилмасликка;

ўз ҳаракатларини пухта бошқаришга ва ТДЮУ талабаси деган номга муносиб бўлишга;

ТДЮУ дипломини олиш учун эмас, балки ҳақиқий билим олиш учун ўқишга;

нутқ маданиятини доимий такомиллаштиришга;

талабаларнинг ўз-ўзини бошқариш тизимини фаол қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш, талабалик ижодий фаолиятини ривожлантириш (илмий-таълимий, спорт, бадий ва б.), корпоратив маданиятни ўстиришга;

ТДЮУ манфаати, унинг шаъни ва шонли анъаналари, обрўси ҳамда нуфузи тўғрисида қайғуриш, уларни сақлаб қолишга жонкуярлик қилиш ва уларга ҳурмат билан муносабатда бўлишга;

педагог ходимларнинг мазкур қоидаларни бажариш тўғрисидаги талабларини муҳокама қилмасдан зудлик билан бажаришга;

педагог ходим билан бошқа талабаларнинг баҳосини муҳокама қилмасликка;

ходимлар, докторантлар ва ўз тенгдошларига нисбатан ҳурматда бўлишга;

ёзма ишларни ҳимоя қилиш ва рейтинг назоратига доир тартиб-қоидаларни бажариш вақтида четдан ёрдам олмаслик, ўзгаларга ёрдам кўрсатмасликка;

бошқа шахслар томонидан тайёрланган топшириқлар ёки ёзма ишларни ўз номидан топширмасликка;

машғулотларни ўтказиб юбормаслик ёки дарсларга кечикиб келмасликка;

ўқув машғулотлари вақтида ТДЮУ ҳудудида беҳуда юрмасликка;

дарс машғулотлари ўтилаётган вақтда курс деканлари, магистратура бўлими бошлиғининг рухсатсиз ТДЮУ ва унинг ҳудудидан кетмасликка;

раҳбарият, ходимлар ва ёши катталар билан саломлашаётганда ҳар доим ўрнидан туришга;



талаба, ходим ёки докторант билан низоли вазият юзага келганда ўз ҳиссиётларини жиловлашга ва мазкур вазиятни кўриб чиқиш бўйича тегишли бўлинма ва ходимларга (куратор, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти, Маънавият ва маърифат маркази) мурожаат қилишга;

ўқув мавзулари муҳокама қилинганда фаол, эътиборли бўлишга ва педагог ходимнинг кўрсатмаларига қатъий риоя қилишга;

аудиторияда уяли алоқа воситаларини ўчириб қўйишга;

дарс вақтида гаплашмаслик ҳамда дарс машғулотида тааллуқли бўлмаган ишлар билан шуғулланмасликка;

жиҳозларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, парталар ва стулларга ёзмасликка;

қоғоз, сақич ва бошқа кераксиз нарсаларни аудиторияда қолдириб кетмасликка;

машғулотлар давомида овқатланмаслик, сув ичмаслик, сақич чайнамасликка, шахсий компьютерлар ва бошқа коммуникация воситалари билан фақат педагог ходим рухсати билан фойдаланишга;

машғулотлар вақтида ва улар тугагандан кейин педагог ходимнинг рухсатсиз аудиториядан чиқиб кетмасликка (шунингдек, чиқишга шай бўлмасликка);

педагог ходимга машғулотлар вақтида савол ёки илтимос билан қўл кўтарган ҳолда ва рухсат берилганидан сўнг мурожаат қилишга;

этикет қоидаларига риоя этиш ва бошқа фуқароларга қўпол муомалада бўлмасликка;

ташкilotлар ва фуқароларнинг мулкига зарар етказмасликка;

умумий овқатланиш жойларида таомларга буюртма беришда ва олишда навбат тартибига ва белгиланган тартиб-қоидаларга риоя қилишга;

тирбандлик ҳолатида ўқитувчилар, аёллар ва ёши катталарга ҳурмат кўрсатишга;

овқатланиш вақтида шовқин қилмасликка;

Талабалар турар жойи Ички тартиб-қоидаларига қатъий риоя қилишга;

жамоат хавфсизлик манфаатларидан келиб чиқиб, имкон даражасида ТДЮУга жамоат транспортида келишга;

б) ходимлар:

ўз хизмат жойидаги тартиб-интизомга ва хизмат ҳужжатлари билан ишлаш қоидаларига риоя қилишга;

таътилдан олдин ёки меҳнат шартномаси тугатилганда ўз хизмат жойини талабга жавоб берадиган ҳолатда қолдириш, ўз зиммасидаги оргтехника воситалари ва бошқа материалларни, ўзига топширилган, лекин ҳали яқунланмаган вазифаларни бошқа шахсга топширишга;

телефон орқали мулоқот қилишда муомала маданияти ва ахборот тақдим этиш қоидасига риоя қилишга (жумладан, суҳбатни энг аввал расмий тарзда саломлашишдан бошлаб, сўнг ўз хизмат муассасаси, лавозими ҳамда фамилияси, исми, шарифини айтиб, мақсадга ўтиш лозим, тақдим этилаётган ахборот максимал қисқа, лўнда ва аниқ бўлиши керак, сўралаётган маълумот суҳбат жараёнида изланиши туфайли телефон тармоғини банд қилишга йўл қўйилмайди, зарурат бўлса, қайта қўнғироқни амалга ошириш мумкин);

ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга;

ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик иллатларидан, бошқа турли ҳалокатли таҳдидлар ҳамда биз учун ёт бўлган экстремистик таъсирлардан, “оммавий маданият” хуружларидан огоҳ этиб боришга;

таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш ва маърифий ишларнинг самарали шакл ҳамда услубларини ишлаб чиқишда кўмаклашишга;

ўз фаолиятларини қонун ва ички ҳужжатларда белгиланган мансаб ваколатлари доирасида амалга оширишга;

ўз хизмат вазифаларини виждонан бажаришга шубҳа туғдирадиган хатти-ҳаракатларни қилмаслик, талабалар билан ўз ҳамкасбларини касбий ва шахсий камчиликларини муҳокама қилмасликка;

талабаларни асоссиз ўқув машғулотларидан чиқариб юбормасликка, шунингдек талабага университет талабалар сафидан четлаштириш (курсда қолдириш) ёки талабанинг мажбуран ўқишни ташлаши учун ундаш билан қўрқитмасликка, унинг талабалар сафидан четлаштирилишига (курсда қолдирилишига) олиб келмасликка;

академик гуруҳда (курсда) талабалар хулқининг умумий маданий ҳолати ҳақида курс деканларига керак бўлган ҳолларда таъсир чоралари кўриш лозимлиги юзасидан ёзма маълумот тақдим этишга мажбур.

## **VI. Рағбатлантириш ва чора кўриш тартиби**

34. Ўқув йили давомида мазкур қоидаларга тўла риоя қилган, университетда юксак маънавий-ахлоқий муҳитнинг янада қарор топиши ва мустаҳкамланишига хизмат қилган ходим ва талабалари раҳбарият, курс деканлари, кафедра мудирлари ва бошқа таркибий бўлинма раҳбарлари тавсиясига биноан, белгиланган тартибга мувофиқ моддий ёки маънавий рағбатлантирилиши мумкин.

35. Ходимлар томонидан мазкур қоидаларга риоя этилиши аттестациялар ўтказишда, юқори ва бошқа лавозимларга тайинлаш учун кадрлар захирасини шакллантиришда ҳисобга олинади.

36. Ходим ёки талабалар мазкур Қоидаларни бузганида, уларга нисбатан ТДЮУ Ички тартиб-қоидаларининг VII бобида (Меҳнат ва ўқиш интизомини бузганлик учун жавобгарлик) қайд этилган чоралар қўлланади.

37. Мазкур қоидалар нормаларининг талабалар, ходимлар ва докторантлар томонидан бузилиши Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

Одоб-ахлоқ комиссияси камида 5 кишидан иборат таркибда тузилади. Одоб-ахлоқ комиссиясининг мақсади, вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, жавобгарлиги ва унинг фаолиятини ташкил этишнинг бошқа масалалари университет ректори томонидан тасдиқланган Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги низомда белгиланади.

Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши ҳолатларини Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан кўриб чиқиш натижалари бўйича интизомий ёки бошқача тарздаги қоида бузилишларининг мавжудлиги (мавжуд эмаслиги) тўғрисида хулоса чиқарилади. Айти вақтда ТДЮУ ректорига кўриб чиқиши учун қоидабузар талаба, ходим ва докторантни жавобгарликка тортиш тўғрисида таклиф киритилади. Йўл қўйилган қоида бузилишининг характерини ҳисобга олган ҳолда Одоб-ахлоқ комиссияси талаба, ходим ва докторантга нисбатан Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилишига йўл қўймаслик тўғрисидаги огоҳлантириш билан чекланиши мумкин.

Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаган талаба, ходим ва докторантни интизомий жавобгарликка тортиш бўйича буйруқ лойиҳаси курс деканлари ва магистратура бўлими (талабаларга нисбатан), кадрлар бўлими (ходимлар ва докторантларга нисбатан) томонидан тайёрланади.

Талабалар, ходимлар ва докторантлар ўзлари йўл қўйган қоида бузилиши, қоида бузилишининг кўриб чиқилиши жараёни ҳақида ахборотни олиш ва ўзини ҳимоя қилиш учун далилларни тақдим этиш, шунингдек ТДЮУ қарорлари юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

38. Талаба, ходим ёки докторантнинг хулқ-атвори устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш мақсадида, мазкур Қоидаларга риоя этилмаганлик ҳолатлари Касаба уюшмаси қўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва Хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилотларида ҳам муҳокама қилиниши амалиёти жорий этилиши мумкин.

## **VII. Яқуний қоидалар**

39. Мазкур қоидалар ТДЮУ Кенгаши томонидан тасдиқланганидан сўнг кучга киради ва унга ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш ТДЮУ Кенгаши қарорига биноан амалга оширилади.

**МИНИСТЕРСТВО ЮСТИЦИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН  
ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЮРИДИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**ЭТИЧЕСКИЕ ПРАВИЛА**  
**Ташкентского государственного**  
**юридического университета**

**Ташкент – 2017**

Настоящие этические правила утверждены Советом Ташкентского государственного юридического университета (протокол № 1 от 30 августа 2017 года).

Этические правила подготовлены в соответствии с постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 2 марта 2016 года № 62 «Об утверждении типовых правил этического поведения работников органов государственного управления и органов исполнительной власти на местах», решением коллегии Министерства высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан от 27 июля 2011 года о внедрении этических правил в высших образовательных учреждениях, приказом министра юстиции Республики Узбекистан от 30 марта 2016 года № 55–ум «Об утверждении некоторых актов касательно правил этического поведения работников органов и учреждений юстиции Республики Узбекистан». В них раскрыты общие положения, основные принципы и правила поведения студентов, работников и докторантов, конфликт интересов, взаимоотношения студентов, работников и докторантов, этические обязанности студентов, работников и докторантов, порядок поощрения и принятия мер, даны заключительные положения.

Этические правила рассчитаны на педагогических и других работников, студентов, а также слушателей курсов переподготовки и повышения квалификации университета.

# **ЭТИЧЕСКИЕ ПРАВИЛА**

## **Ташкентского государственного юридического университета**

### **I. Общие положения**

1. Настоящие правила представляют собой свод общих принципов профессиональной этики и основных правил поведения студентов, педагогических и иных работников, докторантов Ташкентского государственного юридического университета (далее – студенты, работники и докторанты).

